КОМПЬЮТЕР ҲИСОБДА ЯНГЛИШМАЙДИ

ФАРҒОНА. "Пахтабанк" Фарғона вилоят Қувасой шаҳар бўлими "Қувасойцемент" ҳиссадорлик жамиятида ўз шохобчасини ташкил этди. Корхона маблағларининг ҳаракати компьютер экранида акс этмоқда. Айни пайтда шохобча махсус дастур ёрдамида банк компьютер тизимига боғланган бўлиб, барча ахборотларни кузатиб туришга имкон яратилди. Яқин кунларда эса "Кварц" ҳиссадорлик жамияти ҳам "Пахтабанк" компьютер тизимига боғланади.

Алишер ИБОДИНОВ.

КОНЧИЛАРГА ҚИМИЗ ЕТКАЗИБ

НАВОИЙ. Конимех туманидаги йилқи ва туячиликка ихтисослашган "Маданият" жамоа хўжалигида шифобахш қимиз ва шўбат тайёрлаш йўлга қўйилди. Хўжаликда эҳтиёждан ортган туя сути ва шўбати Қизилқумдаги фосфорит заводи қурувчиларига ҳамда Зарафшон олтинтопарларига етказиб берилмоқда. Байрам арафасида ҳар куни қурувчилар учун 250 литр атрофида тўйимли ва мазали шўбат етказиб бериш амалга оширилмоқда.

Музаффар ШАРОПОВ.

ЙИЛ ОЙИ КУН

21 ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ФАКТЛАР АВГУСТ

ҲИНД СОРИ ЮЗЛАНИБ

АНДИЖОН. "Андижонтурист" ҳиссадорлик жамияти савобли ишга қўл урди. Андижондан Деҳлига самолётда саёҳат қилиш йўлга қўйилди. Бу саъй-ҳаракатни вилоят ҳокимлиги, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпанияси қўллади. 90 нафар саёҳатчи Андижон-Деҳли -Андижон йўналишида 5 кун мобайнида Ҳиндистон сафарида бўлди. "Сентябрь ойида ҳам икки бор ана шундай сафарни ташкил этамиз," — деди "Андижонтурист" ҳиссадорлик жамияти раиси Акромжон Солижонов.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ЎЗБЕК КИНОСИ КУНЛАРИ

ТОШКЕНТ. "Ўзбеккино" давлат компанияси ва Ўзбекистон кино арбоблари уюшмаси мамлакатимиз мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб ўзбек киноси кунларини ўтказишга ҳозирлик кўрмоқда. Келгуси ҳафтада Киночилар уйида тантанали тадбир-киносанъатқорлар билан учрашувлар бўлади. Асарлар намойиш этилади. Ҳозир ўзбек киночилари мустақиллик даври руҳини акс эттириш мақсадида янги-янги асарлар яратиш борасида ишламоқдалар.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 21 август, пайшанба № 98 (22.182).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

✓ *1996 йил 23 август* — ***Алматида Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари давлатлар кенгаши йиғилиши бўлиб ўтди. Президент Ислом Каримов бошчилигидаги Ўзбекистон делегацияси ушбу йиғилишда қатнашди. Шу куни атоқли қозоқ оқини Жамбул Жабаев таваллудининг 150 йиллигига бағишланган тантаналар ҳам бўлди. Ушбу байрам биродар халқлар дўстлигининг ёрқин намойишига айланиб кетди.***

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори

ЎҚИТУВЧИЛАР ВА ЎҚУВЧИЛАР ТУРМУШИ МОДДИЙ ШАРОИТЛАРИНИ ЯХШИЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Халқ таълими муассасалари педагог ходимларининг моддий шароитларини яхшилаш ва уларнинг меҳнатини рағбатлантириш, етим болаларни ҳамда кам таъминланган оилаларнинг болаларини моддий таъминлаш ва биринчи синф ўқувчиларини зарур ўқув куроллари билан таъминлашда давлат ёрдамини кўрсатиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. 1997 йил 1 сентябридан бошлаб умумтаълим мактаблари ва барча тур ҳамда номдаги мактаб-интернатларнинг ўқитувчилари, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари муаллимлари учун энг кам ойлик иш ҳақига фоизларда табақалаштирилган қўшимча ҳақнинг қуйидаги миқдорлари белгилансин:

а). дафтарларни текширганлик учун қўшимча ҳақ:

I-IV синф ўқитувчиларига — 30 фоиз миқдорида;

V-XI (XII) синфлар ўқитувчиларига, ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари муаллимларига ёзма ишларни текширганлик учун:

— тиллар ва адабиёт бўйича — 40 фоиз миқдорида;

— математика бўйича — 30 фоиз миқдорида;

— стенография бўйича — 20 фоиз миқдорида;

ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари муаллимларига чизмачилик ва техник математика конструкциялаш бўйича ёзма ишларни текширганлик учун 25 фоиз миқдорида;

б). умумтаълим мактабларининг, барча турдаги мактаб-интернатлар ўқитишнинг сессия режими бўйича ишловчи кечки сменали ўрта умумтаълим мактаблари, сиртқи мактаблар ва бўлимлардан ташқари, ўрта махсус, ҳунар-техника ўқув юртларининг ўқитувчиларига ва бошқа ходимларига синф раҳбарлиги учун қўшимча ҳақ — 50 фоиз миқдорида;

в). ўқув хоналари ва лабораторияларни бошқарганлик учун қўшимча ҳақ — 25 фоиз миқдорида.

2. 1997 йил 1 сентябридан бошлаб бевосита ўқув-тарбия жараёнлари билан боғлиқ раҳбар ходимларнинг, жисмоний ёки ақлий ривожланишида камчилиги бўлган болалар ва ўсмирлар учун махсус ўқув-тарбия синфлари гуруҳларидаги алоҳида иш шароитлари учун педагог ходимлар, руҳшунослар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг ставкалари ва олий лавозим маошларига қўшимча ҳақ 2 баравар оширилсин.

3. 1997 йил 1 сентябридан бошлаб ҳафталик ўқув соатларини 30 соатдан 25 соатгача камайтириш ҳисобига болалар уйлари ва барча турдаги интернатлар тарбиячиларининг иш ҳақлари ўртача 1,2 баравар оширилсин.

4. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, шунингдек, барча турдаги мактаб-интернатларда, ўрта ҳунар-техника билим юртларида, олий ва ўрта махсус ўқув юртларида ўқиётган етим болаларга, ота-оналарининг қаровисиз қолган тўлиқ давлат таъминотида бўлган болаларга улар ишга жойлашиш чоғида ҳар бир кишига энг кам иш ҳақининг 16 баравари миқдори ҳисобида кийим-бош, оёқ кийим ва жиҳозлар, шунингдек, дастлабки харажатлар учун энг кам иш ҳақининг 1,5 баравари миқдорида ёрдам пули берилсин.

Меҳрибонлик уйлари, мактаб-интернатлар ва ҳунар-техника ўқув юртлари раҳбарларига етим болаларга ва ота-оналарининг қаровисиз қолган, тўла давлат таъминотида бўлган болаларга, улар муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилган ҳолларда, шунингдек, никоҳдан ўтганда, уларнинг хоҳишига кўра, энг кам иш ҳақининг 16 баравари миқдоридаги пул компенсацияси бериш ва ушбу суммани кийим-бош, оёқ кийим ва жиҳозлар ўрнига республика халқ банки муассасаларига битирувчи номига омонат сифатида ўтказиш ҳуқуқи берилсин.

Халқ таълими вазирлиги ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Молия вазирлиги билан келишган ҳолда икки ҳафта муддатда етим болаларга ва ота-оналарининг қаровисиз қолган болаларга бир йўла ёрдам пули ва жиҳозлар бериш тартибини, улардан мақсадли фойдаланишни таъминлашни назарда тутган ҳолда ишлаб чиқсин ва тасдиқлансин.

5. Жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб қуйидагиларни ҳар йили:

биринчи синф ўқувчиларини ўқув куроллари тўплами билан;

мактаблардаги барча бошланғич синф ўқувчиларининг 15 фоизидан кўп бўлмаган кам таъминланган оилаларнинг болаларини қишки кийим-бош тўплами билан текин таъминлаш жорий қилинсин.

Биринчи синф ўқувчиларини ўқув куроллари тўплами билан ва кам таъминланган оилалардан бўлган бошланғич синф мактаб ўқувчиларини қишки кийим-бош тўплами билан текин таъминлаш тартиби тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги биринчи синф ўқувчилари учун ўқув куроллари ва мактаб ўқувчилари учун қишки кийим-бош тўпламлари марказлаштирилган тартибда харид қилинишини таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур қарорда назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун зарур маблағлар ажратсин.

8. Ўз қарамоғида ўқув юртлари бўлган вазирликлар ва идоралар ушбу қарорнинг ўз вақтида бажарилишини таъминласинлар.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 20 август.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***Юрий Лужков раҳбарлигидаги Москва ҳукумати делегацияси бир кунлик ташриф билан Алматига келди. Делегация аъзолари Президент Нурсултон Назарбоев билан учрашиб, республика Вазирлар Маҳкамаси раиси Акежан Кажегелдин билан музокаралар олиб боради. Москва ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида қатор шартномалар имзоланади.***

* * *

☑ ***Грузия давлат вазири Нико Лекишвили раҳбарлигидаги ушбу мамлакат расмий делегацияси қатор иқтисодий ва хўжалик масалаларини ҳал қилиш учун Абхазияга келди. Делегация таркибида транспорт, энергетика ва алоқа вазирликларининг раҳбарлари бор. Ушбу ташриф ҳақида Грузия Президенти Эдуард Шеварднадзе, Абхазия раҳбари Владислав Ардзинба ва Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаков иштирокида бир ҳафта аввал бўлган учрашувда келишиб олинган эди.***

* * *

☑ ***«Интернет» ахборот тизимининг хабарларига кўра Тожикистон ҳукумати қўшинлари исёнкор полковник Маҳмуд Худойбердиев бригадасини тор-мор келтиришди. Бу ҳақда Тожикистон мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари Абдулла Ҳабибов баёнот берди.***

* * *

☑ ***Комбоджа иккинчи бош вазири Хун Сен қўшинлари О' Смак шаҳрини ишғол қилишга интилмоқда. Бу шаҳзода Ранарит тарафдорларининг сўнгги таянч пунктидир. Сўнгги хабарларга кўра жанглар шаҳар марказига яқин жойда давом этмоқда. Айни пайтда 25 мингга яқин комбоджалик қочоққа Таиланд чегарасидан ўтишга рухсат берилди. БМТнинг қочоқлар масалалари бўйича комиссияси улар учун 80 тонна гуруч ва 75 минг дона консерва ажратди.***

* * *

☑ ***Монголия пойтахти Улан-Баторда Шимолий-Шарқий Осиё мамлакатларининг иқтисодий анжумани очилди. Россия, Хитой, Япония, Корея Республикаси, КХДР ва АҚШ вакиллари иштирок этаётган ушбу анжуманда асосан иқтисодий ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинади.***

ВАТАН ХАРИТАСИ

19 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга Миср Араб Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Мамдуҳ Шавқий Мустафо Комил ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

Шу куни Ислом Каримовга Исроил давлатининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси этиб тайинланган Ноаҳ Гал-Гендлер ҳам ишонч ёрлиғини топширди.

* * *

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган рационализатор қўқонлик Юсуфбек Ёкубов перко ўсимлигидан ёғ олиш технологиясини яратди.

* * *

Навбаҳор туманидаги «Учтут» жамоа хўжалигининг механизатори Абдували Исоқов бир кунда беш тоннагача дон янчадиган мўъжаз комбайн яратди.

* * *

Қорақалпоғистонда Вазирлар Маҳкамасининг «1997 йилда пахта йиғим-терим мавсумини ташкилий равишда ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида ўртага қўйилган вазифаларни изчил бажариш юзасидан амалий ишлар бошлаб юборилди.

* * *

Янги ўқув йилидан бошлаб Тошкент вилоятида 889 мактаб 480 мингдан ортиқ ўқувчини ўз бағрига олади.

* * *

Куйганёр шаҳрида Ўзбекистон — Хитой — Америка қўшма корхонаси чигитни Андижон усулида экиш учун ҳар йили саккиз минг тонна полиэтилен плёнка ишлаб чиқаради.



ИСТИҚЛОЛ ШАРОФАТИ

Ўтган йилнинг май ойи бошларида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Банкмолия академияси ташкил этилган эди. Ушбу академиянинг асосий мақсади —Ўзбекистон молия бозорини ривожлантириш борасидаги тадқиқотларни чуқурлаштириш, молия-кредит тизими учун юқори малакали кадрларни тайёрлаш, илмий ва амалий тадқиқотларни чуқурлаштиришни ташкил этишдир.

Ҳозирги пайтда академия тингловчилари дунёдаги энг йирик илмий марказларда ёзги малака оширишмоқда. «Молия» факультетининг 10 нафар талабаси Японияда ўқимоқда. «Банк иши» факультетининг 12 кишидан иборат яна бир гуруҳи Туркиядаги йирик банклардан бирида таълим олмоқда. «Банкларнинг раҳбар ходимлари малакасини ошириш» факультетининг 13 тингловчиси 2 ҳафта мобайнида Нидерландияда маҳоратини оширди. 16 кишилик гуруҳ эса айни пайтда Буюк Британиядаги машҳур Норд-Хампшир бизнес академиясида малака ошираётир. Малака ошириш муддати 6 ҳафтага мўлжалланган. Академиядаги малакали мутахассислар раҳбарлигидаги машқлардан ташқари талабалар ҳар куни Буюк Британиянинг машҳур банкларида иш тажрибасини ўрганмоқдалар. Масалан Бэнк оф Ингланд, ЛЛойдс Бэнк, Барклайс Бэнк, Нэшнэл Вестминстер Бэнк, Мидлэнд Бэнк, Сакура Бэнк ва бошқа банкларда бўлиб малака оширишяпти.

Ўйлаймизки, талабалар хорижий мамлакатларга сафар давомида олган билим ва тажрибаларини Ўзбекистон Республикасининг банк молия тармоғини янада ривожлантиришга сарфлайдилар.

СУРАТДА: Европанинг қадимий марказларидан бири —Лондон кўчалари бўйлаб сафар.

Владимир ПАНОВ олган сурат.

ЁПИҚ ДАРВОЗА

Сурхондарёнинг турғун савдо нуқталаридан истеъмолчилар нуқул «пахта ёғи йўқ», деган жавобни олмоқдалар

Гапимиз ҳавойи бўлиб қолмасин, деб масалан, Шўрчи туман солиқ идораси Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Озиқ-овқат маҳсулотларининг айрим турларини сотишни тартибга солиш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қароридан сўнг тахлаган қоғозларидан айрим кўчирмалар келтирамиз: Шўрчи савдо ҳиссадорлик бирлашмасининг Жабборов Жуманазар мудирлик қилаётган дўконида ун, пахта ёғи йўқ. Ана шу бирлашманинг 2-дўконида, Далварзин савдо ҳиссадорлик жамиятининг Тоғаева Мингул, Тоғаев Ҳасан, «Қўштегирмон» савдо жамиятининг Алмардонов Мусурмон мудирлик қилаётган дўконларида ҳам аҳвол шу — пахта ёғи йўқ. Ҳафталаб, ойлаб пахта ёғи келтирилмаган дўконлар бор.

Бошқа туманларда ҳам манзара бундан яхши эмас.

— Ҳар икки дўконимизнинг биттасида ўсимлик ёғи йўқ десам бўлади, — дейди Қумқўрғондаги Янгиер савдо ҳиссадорлик жамияти раиси Ё. Темиров. — Ёғ заводига пул ўтказганмиз. Таъминотчимиз Деновда сарсон. Заводнинг дарвозаси эса ёпиқ эмиш.

— Бизга ажратилаётган ўсимлик ёғи фондининг истеъмолчи эҳтиёжига мос келмай қолаётгани айниқса бошимизни қотирмоқда, — дейди Шўрчи савдо ҳиссадорлик жамиятидагилар. — Денов ёғ заводидан шу йилнинг учинчи чорагида 7 тонна пахта ёғи, Қашқадарёдан 7 тонна соя ёғи олиб келишимиз керак. Биздан таъминот сўраб турган аҳоли 33 минг. Етишмаяпти-да. Денов заводи чигит йўқ деяётганмиш. Чигит бўлмаса, соя, масхар олиб келиб ишласин. Ишлаб чиқаришни бўйнига олдими, уддасидан чиқсин. Ўзимизда довруғидан чанг кўтариладиган корхона бўлса-ю, пешонамизни тириштириб Қашқадарёдан, бошқа вилоятлардан ёғ ташисак?..

Биласизки, фонд тақсимотида ёғ заводининг дахли йўқ. Мабодо, чигит етишмай қолган бўлса, бунга ҳам завод балогардон эмас, лекин истеъмолчининг манфаати деб, Денов ёғ заводи нимадир қилаётгандир. Ҳар қалай қўл қовуштириб турмагандир, деган хаёл билан шу йил 11 август куни «Сурхонозиқовқат» ҳиссадорлик жамияти — Денов ёғ оқлаш заводининг остонасини хатладим.

Одамлар билмай гапирмайди-да, ёғ заводининг дарвозаси чиндан ҳам ёпиқ. Тахтачада, хом ашё йўқлиги сабабли ишлаб чиқариш тўхтатилгани туфайли корхона бўлимлари 1 сентябргача ишламайди, дегандай эълон.

Жамият раҳбарининг муовини Дамин Болтаевнинг жавоби қисқа бўлди: шу йил 4 июлданми корхонага сўнгги марта чигит келтирилган. Чигит келтириш йилдан-йилга камайиб боряпти. Чигитдан бўлак хом ашёдан ёғ ишлаб чиқаришга уннаб кўрганлари йўқ.

Жамият бош ҳисобчиси Неъмат Бўриевнинг гапи бўлса, ундан ҳам қисқа бўлди. Мен Бўриевдан ишлаб чиқариш кўрсаткичларини сўрадим. Ёғни қай тартибларда истеъмолчига чиқардилар — суриштирмоқчи бўлдим.

— Корхона раҳбари Очилди Қодиров Тошкентга кетган.

«Тўртинчи ҳокимият»га, ана, муносабат!

У киши ижозат қилмаса, сизга факт бермайман, — деди бухгалтер.

— Изидан бориб, у кишидан изн сўраб келишим керакми, — деб сўрадим ундан.

— Бир ҳафтадан кейин қайтадилар. Ўшанда келасиз...

— Мен масалан, кимнингдир эшигини тақиллатиб, чанқоқ босдига сув сўраётганим йўқ. Давлат корхонасидаман...

— Бизга шундай тайинланган, — дейди Неъматжон хонанинг аллақайси бурчагига қараб гапириб.

Ниҳоят мен унга «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги қонунни эслатаман.

Йўқ. Бухгалтер яна елка қисади. Сизга факт бersам ўзимга яхши бўлмайди, дегандай қилади.

Бухгалтернинг хонасидан Денов шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчи Дамин Қобиловга қўнғироқ қиламан. Арзимни эшитиб, Қобилов ҳам сust кетди. Қонун ҳаммага баробар, деган оддий гапни бухгалтерга айтолмади. Очилди Қодировнинг ҳайбати, улуғворлиги ва яна биз билган, билмаган фазилатлари бухгалтер ҳамда ҳокимликнинг шамини ёқиб турган одам учун қонундан ҳам азизроқ, муқаддасроқ кўринди.

Бир ҳафта ўтиб корхонага яна бордик. Очилди ака Россия сафаридан қайтиб турган экан. Аквариумга тимсоҳ солинган ресторанга кирганларини, эгасига неча юз доллар тўланса, ўша тимсоҳ олдига ташланган қисқичбақани ютиб юбориб томоша кўрсатиши мумкинлигини гапириб берди...

Олимжон УСАНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўзбекистон XXI аср бўсағасида

ОГОҲ БЎЛИНГ, ОДАМЛАР!

(2-мақола)

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» асари қуйидаги тарихий савол билан бошланади: **«Бу ёруғ оламда биз киммиз ва не сирсиноатмиз, қаёққа қараб кетяпмиз? Инсоният янги XXI асрга қадам қўйганида бизнинг ўрнимиз қаерда ва қандай бўлади?»** Нега бу савол тарихийдир? Бир тасаввур қилайлик, 2700 йиллик давлатчилигимиз тараққиётидаги ҳар бир асрда, ҳар бир аждодимиз, ҳар бир подшоҳ, зиё аҳли ушбу саволни ўртага ташлаб, ўз замонасига яраша иш тутиб, ўтган даврлар тажрибасини умумлаштириб, келажакка тўғри боқолганда, бизнинг бугунги тараққиёт даражамиз қанчалар юксак бўлур эди. Зеро қайси замондагидан қатъи назар «биз киммиз?» саволи кишиларда сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий бирлик тушунчасини яратади. Иккинчидан эса «мен кимман» саволини туғдиради. Бошқача айтганда, жамият ва унинг ҳар бир табақаси, аъзосида ўзининг ижтимоий роли ҳақида фикрлаш қобилияти туғилади. Демак, бутун жамият ўйлайди. Фикрлайдиган жамият эса кам қоқиладиган жамиятдир.

Шу маънода асардан олинган қуйидаги парчага диққатни жалб қилсак: **«Ўтган йилларнинг мантиқи бизни ҳозирги кунда учта асосий саволга мурожаат қилишга ундамокда. Ўзбекистоннинг келажаги ана шу саволларга қандай жавоб беришимизга боғлиқ. Булар қуйидагилардир: хавфсизликни қандай сақлаб қолиш лозим? Барқарорликни қандай таъминлаш даркор? Тараққиёт йўлидан собитқадам ривожланишга нималар ҳисобига эришиш мумкин?»**

Мазкур уч савол ҳам ўтмиш тараққиёт йўлимиз қонуниятлари, ҳам замонавий аҳволимиз шарт-шароитлари, ҳам келажак манзараси асосларини англаш имконини беради. Зеро хавфсизлик доимий тушунча. Инсон жамияти бор экан, у кун тартибидан четга чиқмайди. Хавфсизликни таъминлаш учун эса унга бўладиган таҳдидларни аниқлаштириб олиш лозим. Хўш, бундай таҳдидлар нималардан иборат? Айнан ўзбек жамияти учун? Асарнинг биринчи боби худди шу масалага бағишланган.

МИНТАҚАВИЙ МОЖАРОЛАР. «Уруш, деб ёзади муаллиф, жамият ва давлатнинг ҳолатига фалокатли таъсир кўрсатади. Бу — урушнинг табиий йўлдоши бўлган иқтисодий вайронагарчиликлардангина эмас, балки миллатнинг келажаги учун муҳим аҳамият касб этувчи бошқа соҳаларда намоён бўлади». Урушга берилган таърифлар кўп. Аммо ушбу таъриф биз учун шу жиҳати билан характерлики, унда то Россия домига тушгунимизга қадар сўнгги асрлардаги тарихимизнинг аччиқ ҳақиқати-хулосаси ётибди. Хонликлар, бекликлар, вилоятлар ўртасидаги уруш-жанжаллар, умуман, мамлакат ва давлатчилигимизга, хусусан аждодларимизнинг кундалик турмушларига, уларнинг руҳиятига қанчалар салбий таъсир кўрсатганини билиш қийинмас. Ўзаро ички урушлар алоҳида хонликларни, умуман ўлкадаги сиёсий-ҳарбий қудратни қанчалар заифлаштириб кўйган экан? Келажакка, яъни биз яшаётган XX асрга таъсири нақадар аянчли бўлди. Агар ҳарбий-сиёсий қудрат бир ерда мужассамлашиб, ягона давлатчилик ҳаётбахш бўлганида рус босқинини қайтариш мумкин бўлардику?

Афғонистон ва Тожикистон жамиятлари бугунги кунда можаролар гирдобида яшаб, ички парчаланиш, вайронагарчилик, беҳуда қурбонлар, ташқи кучлар «ўйинчоғи»га айланиш орқали ўз тараққиётларини «ўнлаб йилларга орқага улоқтириб» ташламаяптилармикин? Бу бир томондан. Иккинчи томондан, ушбу икки мамлакат мисолида бизнинг сабоқ ва хулосаларимиз бўлиши керакми? Керак. Зеро асарда таъкидлаганидек, **«Бундан буён ҳам ташвишли ҳодисалар бизни четлаб ўз йўлидан ривожланаверади, барқарорлик ўз-ўзича сақланаверади, мамлакатнинг келажаги эса ўз-ўзидан таъминланган, дея фикр юритиш ҳам сиёсий, ҳам фуқаровий калтабинликдан бошқа нарса эмас»,** чунки моҳият эътибори билан асарнинг ушбу «Минтақавий можаролар» қисмида нафақат муайян масала — Афғонистон, Тожикистон можаролари, балки, энг муҳими, умуман Марказий Осиёнинг ичкарисида ҳам, ташқарисида ҳам содир бўлиши мумкин бўлган можаролар генезиси тўғрисида фикр кетади. Келажакда ё ички сиёсий-ижтимоий хатолар, ё ташқаридан аралашувлар таъсирида содир бўлиши мумкин бўлган можаролар ўчоғи минтақамизда етарли ва уларни кўра билиш бугун қийинмас. Демак, бу ҳақда ўйлаш ва билиш нафақат сиёсатчиларнинг, балки фуқароларнинг ҳам бурчидир.

ДИНИЙ ЭКСТРЕМИЗМ ВА ФУНДАМЕНТАЛИЗМ. Нафақат мусулмон жамиятлари, балки бутун дунё миқёсида ислом фундаментализми масаласи қизигандан-қизиб, баъзан қиздирилиб бораётган бир шароитда асарда ушбу мавзуга кўл урилиши бежиз эмас, албатта. Зеро, биринчидан, Ўзбекистон мусулмон жамиятидир. Иккинчидан, мамлакатимиз мазкур муаммонинг амалий кўринишлари ҳаракатда бўлган минтақада жойлашган. Учинчидан, ислом фундаментализми бугунги кунда соф диний ҳолатгина эмас, халқаро миқёсдаги геополитик муносабатлар қуролига ҳам айланиб бормоқда. Тўртинчидан эса ислом фундаментализми хавфи остида дунёда, айниқса Ғарбда умуман мусулмон дунёси, исломий жамиятларга, ислом динига нисбатан кўп ҳолларда нотўғри тасаввур ҳосил бўлиб бормоқда, баъзан аҳвол айнан шу тарзда шакллантирилмоқда. Бешинчидан, ислом фундаментализми халқаро миқёсда мафкуравий қарама-қаршиликлар ё бўлмаса бир томон мафкураси устунлигига эришиш йўлидаги «олабўжи»га, геополитик мақсадларни амалга оширишдаги қуролга айлаштирилиши билан бир қаторда унинг моҳияти, диний оқим сифатида эмас, тарихий-ижтимоий воқеаликдаги мағзи ҳануз очилганича йўқ. Шу маънода асардаги қуйидаги фикрга эътиборни жалб қилсак: **«Дин, шу жумладан ислом дини ҳам минг йиллар давомида барқарор мавжуд бўлиб келганлигининг ўзиёқ у инсон табиатида чуқур илдиз отганлигидан, унинг ўзига хос бўлган бир қанча вазифаларни адо этишидан далолат беради».** Масаланинг айнан шу тарзда қўйилишининг аҳамияти шундаки, то шу чоққача биз билган ҳолларда динга муносабат ё уни бутунлай инкор этиш усули орқали (илмий атеизм), ё бўлмаса аксинча уни барча-барчанинг ибтидоси сифатида талқин қилиш йўли билан билдириб келинган. Айнан шу сабабдан ҳам бўлса керак, диннинг ҳар қандай жамиятдаги ўрни, ижтимоий фикрнинг эса динга таъсири хусусида оптимал тасаввурга эга бўлиш вазифаси уддаланмай қолган. Ушбу бандда эса инсон ва эътиқод, дин ва жамият, дин ва сиёсат ўртасидаги муомаланинг умуман тарих, хусусан империявийлашган, мафкуравийлашган макон ва фазодаги, Марказий Осиё ва Ўзбекистон доирасидаги, мусулмон жамиятларидаги тегишли ҳолати таҳлил қилинади. Бунда муаллиф юқоридаги фикри асосида динга тарихий ижтимоий воқелик сифатида қарайди, уни жараёнда, турли кўриниш ва ҳолатларига баҳо беради.

БУЮК ДАВЛАТЧИЛИК ШОВИНИЗМИ ВА АГРЕССИВ МИЛЛАТЧИЛИК. Шовинизмнинг асл келиб чиқиш маъноси француз жамияти билан боғлиқ. Наполеон Інинг Шовен исмли солдати ўз ҳукмдорининг босқинчилик сиёсатига қаттиқ ихлос қўйган бўлиб, бир миллат манфаатларини бошқа миллат манфаатларидан устун қўйиш мафкурасининг тарафдори, илҳомчиси эди. Шовинизм ҳам унинг номидан. Тўғри, мазмунан олганда шовинизм Шовенга қадар замонларда ҳам мавжуд бўлган. Кейнинги икки аср давомида эса бунга доир мисоллар ҳам кўп йиғилган. Хусусан, Ғарб давлатлари, Россия, Хитой кабиларнинг турли даврларда олиб борган мустамлакачилик сиёсатлари фикримиз далили бўла олади. Биз кўпроқ шовинизм деганда Россиянинг буюк давлатчилик фаолиятини тушунамиз. Шу билан бирга тилга олинган бошқа давлатларнинг у ёки бу миллатга нисбатан юритган босқинчилик ва мустамлакачилик сиёсатини ҳам тўғридан-тўғри буюк давлатчилик шовинизми билан боғласа бўлади. Зеро, юртбошимиз таъкидлаганларидек, **«Буюк давлатчилик шовинизми бошқа миллатлар ва мамлакатлар билан ўзаро маданиятли ҳамкорлик қилишга тайёр эмасликдан келиб чиқади. Унинг ифодачилари ҳарбий империячилардир».** Ҳудди мана шу ижтимоий-илмий таъриф асосида буюк давлатлар ва мустамлакалар ўртасидаги муносабат таҳлил қилинади. Яъни масаланинг умуминсоний тараққиётдаги моҳияти очиб берилади ва шундан кейингина аниқ мавзу — Россиядаги буюк давлатчилик шовинизми ҳаракатлари холис баҳоланади, бу жараённинг таҳдидлари, уларнинг олдини олиш йўллари хусусида лўнда фикрлар айтилади.

ЭТНИК ВА МИЛЛАТЛАРАРО ЗИДДИЯТЛАР. Ушбу масаланинг айнан буюк давлатчилик шовинизми ва агрессив миллатчилик масаласидан кейин таҳлил қилиниши бежиз эмас, деб ўйлаймиз. Зеро агрессив миллатчилик ривожда пировардида шовинизмга олиб келиши ҳеч гапмас. Агрессив миллатчилик моҳиятини билишда, умуман, миллат, хусусан, миллатлараро муносабатларнинг у ёки бу шароитдаги аҳволининг муҳокамаси асқотади. Муаллиф таъкидлашича, сайёрамиздаги 1600 дан ортиқ этник гуруҳлардан икки юзга яқинигина, яъни саккизтасидан биттаси, ўз миллий давлатчилигига эга. Бошқача айтганда, этник муносабатлар бу дунё миқёсидаги масаладир. Балким, у ҳамма вақт ҳам ва ҳамма ерда ҳам муаммо даражасида намоён бўлмаётгандир. Аммо «саккизга бир» муносабатларидаги «адолатсизлик» муайян бир шароитда, алоҳида бир минтақа ё давлат доирасида кескин тус олмаслиги ҳозирда кафолатланган эмас. Шунингдек ўз миллий давлатчилигига эга бўлган ҳолда сабабларидан қатъи назар бошқа миллий давлат фуқароси бўлмишларнинг мазкур давлатга ном берган этник гуруҳ билан муносабатлари масаласи диққатдан четда қолмаслиги ҳам аниқ. Асардаги этник ва миллатлараро зиддиятларга бағишланган фикрлар, тавсиялар, хулосалар айнан ана шу икки омилни инобатга олганлиги билан муҳимдир.

КОРРУПЦИЯ ВА ЖИНОЯТЧИЛИК. Мазкур иллатлар инсоният тарихи учун доимийлик касб этиб келаётгани сир эмас. Жумладан, бизнинг жамият учун ҳам. Шу билан бирга коррупция ва жиноятчиликнинг бир ижтимоий тузумдан иккинчисига ўтиш давридаги аҳволи, ўзига хосликлари масаласи ҳанузгача таҳлил доирасидан четда қолиб келаётган эди. Шу маънода асарнинг мазкур бандида жиноятчиликнинг ижтимоий негизини таҳлил остига олинишини алоҳида уқтиришни истардик. Яъни, муаллиф ибораси билан айтганда «бу ерда гап ўғрилик, талон-торож, одам ўлдириш ва шахсга нисбатан зўравонлик қилиш» ўстида эмас, балки «катта хавф бўлмиш иқтисодий жиноятлар тоифаси» тўғрисида кетяпти. Зеро жамиятда мулкчиликни қайта тақсимлаш тарихий жараёни кетяпти. Бундай шароитда «хуфёна иқтисодиёт» турли йўллар билан «юзага» чиқмоқда. Алоҳида таъкидлашни истардикки, асарда «хуфёна иқтисодиёт» илдизи аниқ кўрсатилган. Яъни «котиб қолган кўрсатмалар ва таъқиқлар билан чекланган» совет даври иқтисодий тузилмаларининг ожизлиги «хуфёна иқтисодиёт»ни вужудга келтирган. Ва у мустақиллик замонига «мерос» бўлиб ўтган. Ушбу баҳонинг аҳамияти шундаки, ўқувчи учун ҳозирда мавжуд коррупция ва жиноятчиликнинг бош сабаблари мустақиллик сиёсати билан эмас, балки мустамлака тузумнинг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий чекланганликлари билан боғлиқлигини билиш имкони туғилади. Фақат у янгича шароитда янгича ҳаракат қилмоқда. Ана шу «янгича шароит» ва «янгича ҳаракат»нинг табиати, коррупция ва жиноятчиликнинг жамиятга туғдирадиган таҳдиди асарда бирма-бир таҳлил қилинади. Нафақат таҳлил қилинади, шу билан бирга Ўзбекистоннинг жиноятчиликка қарши кураш стратегияси кўрсатиб берилади.

МАҲАЛЛИЙЧИЛИК ВА УРУҒ-АЙМОҚЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик жамиятимиз учун тарихий «касал». Аммо то шу чоққача бу «касал»га ташхис қўйиш, унинг давоси хусусида фикр юритиш катта сиёсат ва давлат минбаридан туриб амалга оширилмаган эди. Бошқача айтганда мавзуни ана шу даражада муҳокама қилишнинг ўзи катта бир воқеа. Маҳаллийчилик ва уруғ-аймоқчилик иллати умуман кишиликка, хусусан унинг бугунига ҳам хослигини таъкидларкан, муаллиф шундай хулоса қилади: **«Бугунги дунёда ҳақиқий маънодаги уруғ-аймоққа бўлинган жамиятни топиш мушкул бўлса керак. Лекин у шаклан ўзгарган, «янгиланган» ҳолда мавжуд бўлади. Кўпгина мамлакатларда қондошлик риштлари, жумладан, юртдошлик, худудий яқинлик ришталари вужудга келади».** Уруғчиликнинг мазкур «янгиланган» шаклининг юзага келишида «совет» тузумининг яхшигина «ҳиссаси» бўлганлигини тасдиқловчи фикрлар, адашмасак, биринчи марта айтиляпти. Ҳақиқатан, узоқ йиллар чекланган шароитда яшаган жамият ҳаётида, хусусан унинг уруғ-аймоқчилик, маҳаллийчилик «касали»нинг ривожида мустамлакачилик-коммунистик тузум асосларининг таъсири бўлмаслиги мумкин эмас. Хуллас, нима бўлганда ҳам шундай «мерос» бизда бор бугун. Ва у **«давлатга — унинг барқарорлиги, яхлитлигига, тараққий этиш қобилиятига таҳдид туғдиради... Ана шундай ярамас меросдан халос бўлиш зарурияти давлатимизнинг бош стратегик вазифаларидан бирига асос бўлмоқда».** Маҳаллийчиликдан туғиладиган таҳдид нималарда ўз аксини топмоқда, уларни қандай бартараф қилиш кераклиги борасида муаллиф билдирган фикр ва хулосаларни билиб қўйиш ҳар биримиз учун фойдалидир.

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАР. Ушбу банд қуйидагича бошланади: **«Миллий хавфсизликка қарши яширин таҳдидларни кўриб чиқар эканмиз, экологик хавфсизлик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш муаммоси эътиборга молиқдир».** Мазкур таъкиднинг аҳамияти шундаки, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси масаласи умуммиллий ва давлат мақомига кўтариляпти. Чунки, то мустақилликка қадар мазкур масала билан шуғулланмай келинган. Аксинча, **«иқтисодиётни ривожлантиришдаги бош мақсад экстенсив омилларга қаратилган»** ҳолда совет-мустакамлакачи тузуми экологиянинг биринчи душмани бўлиб келган. Биргина Орол фожиаси буни тасдиқловчи ёрқин мисол. Асарда Орол фожиаси билан боғлиқ кўпчиликка номаълум, аммо билиши керак бўлган ҳужжатлар, фикрларни келтиради. Фожианинг асл сабаблари, бугунги аҳволи ва эртасига оид очиқ-ойдин таҳлиллар берилади. Шу билан бирга экология деганда, бугун биз кўпчилигимиз ўйлагандек, фақат Орол муаммосинигина эмас, шу билан бирга ернинг чекланганлиги ва унинг сифати, шўрланиши, радиоактив ифлосланиш, умуман сув заҳиралари билан боғлиқ масалалар, ҳаво бўшлиғининг ифлосланиши кабиларни тушуниш кераклиги ва мазкур йўналишларда ҳам каттадан-катта муаммолар борлиги асарда аниқ айтилган. Нафақат айтилган, балки экологик хавфсизлик йўлида бугунги ҳаракатлар дастури ва йўналишлари бирма-бир кўрсатиб берилган.

Демак, асарнинг жамиятимиз тараққиёти йўлидаги таҳдидлар, тўсиқларга бағишланган биринчи боби билан танишишнинг ўзиёқ Президентимиз фикр-мулоҳазалари миллатимиз тарихида нақадар юксак аҳамият касб этишини исботлайди. Зеро минтақавий урушлар, диний экстремизм ва фундаментализм, шовинизм ва агрессив миллатчилик, этник ва миллатлараро қарама-қаршиликлар, жиноятчилик ва коррупция, маҳаллийчилик ва экологик муаммолар моҳият эътибори билан бугуннинг эмас, балки тамомила тарихий тараққиёт йўлимизнинг муаммоларидир. Муаммо бўлганда ҳам ҳал бўлмай келган муаммолардир. Балки бошда қўйилган савол яъни ривождаги юксалишлар ва тушкунликларнинг ёнма-ён келишининг бош сабабларидан бири ҳам айнан шундадир. Чунки ҳар қандай жамият ўзига нисбатан таҳдидлар моҳиятини англаб олмасдан, уларни тафаккур ва тажриба чиғириғидан ўтказмасдан, тартибга солмасдан, бартараф қилиш сиёсатини ишлаб чиқмасдан туриб ҳеч қачон олга силжий олмайди. Ҳатто бирон фавқулодда сабаб бўлиб бунга эришганда ҳам (бу ерда биз буюк шахслар омилини назарда тутмоқдамиз), аммо ижтимоий хавфларни бартараф этиш анъанаси ва мактабига эга эмаслиги сабаб, доимо юксалишни бошдан бошлашга мажбур бўлаверади. Бундай жамиятнинг косаси ҳеч қачон оқармайди. У ўзидаги улкан қудратни қайта-қайта бир мақсадни ечишга сарфлайверади. Шу маънода Президентимизнинг XXI аср бўсағасида ўзбек жамияти хавфсизлиги масалаларига доир таҳлилий ва тавсиявий фикр-мулоҳазалари биз учун бугун фавқулодда аҳамият касб этмоғи керак. Энг аввало сиёсатчилар ва шу йўлга қадам қўяётганлар ҳамда зиёлиларимиз ва албатта келажакда давлат ва жамият бошқарувини қўлга оладиган ёшлар ушбу фикрлар мажмуидан салоҳиятли бохабар бўлмоқлари, муаллифнинг фикрлаш ва таҳлил қилиш, ҳар қандай масалани миллий манфаатлар ва умуминсоний қадриятлар элагидан ўтказа олиш мактабидан ўрганмоқлари, ўзларини давлатимиз ва жамиятимиз хавфсизлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ бўлғуси курашларга тайёрламоқлари лозим. Зеро, йўлбошчимиз асар бошида таъкидлаганларидек, «Огоҳ бўлинг, одамлар» — деган даъват ҳамиша бонг урган-дек янграб туриши керак. Фахрланиш ва лозим бўлган бебаҳо қадриятлар — ўз мустақиллигимизни, тинчлигимизни, жамиятда миллатлар ва фуқаролар ўртасидаги тотувликни асранг. Ўз эркимизни қандай тасарруф этиш, уни бугунги мураккаб ва баъзан шафқатсиз дунёдаги ҳаддан зиёд хавф-хатарлардан сақлаш ҳар биримизга боғлиқдир».

Азамат ЗИЁ.

КУЙЛАЁТГАН ЮРТ

Юртимиз ўз истиқлолига эришгандан буён миллий маданиятимизни, маънавиятимизни тараннум этувчи тадбирлар, анъаналар тобора кўпайиб бормоқда. Бу анъанавий тадбирлар халқимиз дилидан муносиб жой олиши билан биргаликда, озод юрт фарзандлари сифатида вояга етаётган ёшларимизнинг тарбиясида, маънавий баркамоллигида, ватанпарвар фуқаролар бўлиб етишишида ҳам муҳим аҳамият касб этяпти.

Санъат, хусусан қўшиқчилик соҳасида эришилаётган муваффақиятлар бунга яққол мисол бўла олади. Миллий қўшиқчилигимизни ривожлантириш ва истеъдодли ёшларни камол топтириш мақсадида ўтказилган Маъмуржон Узоқов, Комилжон Отаниёзов хотира концертларини ўтказилиши ҳақиқий қўшиқ сайлига айланиб кетди, дейиш мумкин. Ва шу аснода шинавандалар миллий қўшиқчилик санъатига ўз овозлари билан дадил кириб келаётган ёшларимиз билан яқиндан танишдилар.

Дарҳақиқат, миллатимиздаги куйга, қўшиққа бўлган бу чанқоқлик бежиз эмас. Чунки юртимиз азал-азалдан дунё харитасидан маданият ва санъат ўчоғи сифатида жой олиб келган.

Бу фикр яқинда яна бир ашёвий далил билан бойиди. Самарқанд вилоятининг Ургут туманида олиб борилаётган қазилма ишлари натижасида уч минг йилдан ошиқроқ тарихга эга миллий чолғумиз — най топилди. Шуниси қизиқарлики, бу най ҳозиргача ўз ижро қобилиятини йўқотмаган ва ҳозирги тоифасидан жуда кам фарқ қилади. Ёки қазилма ишлари натижасида қўлга киритилган яна бир яққол далил: деворда акс эттирилган най чалаётган қизнинг тасвири-дир.

Хуллас, халқимизнинг санъатга бўлган асрий муҳаббати бугунга келиб яна миллий ва халқаро миқёсда намоён бўлмоқда. Бу жараёнда Президентимиз, ҳукуматимиз томонидан қўллаб-қувватлаётган ташаббуслар тарихий ҳақиқатнинг тикланишида таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилаётир. Айниқса, шу ташаббус натижаси бўлган «Ўзбекистон — Ватаним маним», «Аскарлар қўшиғи» каби кўрик-танловларнинг анъанавий тус олиши қўшиқчилик санъатимизнинг баркамол келажагидан далолатдир.

Куни кеча эса мустақиллигимизнинг 6 йиллигига бағишлаб республика миқёсида ўтказилаётган «Ўзбекистон қўшиқ байрами» танловининг якуний сарҳисоби ўтказилди. Мамлакатимиздаги кўплаб қўшиқ шайдолари интиқ бўлиб кутган бу босқич пойтахтимизнинг энг муҳташам саройларидан бири — «Туркистон»да бўлиб ўтди. Икки кун мобайнида давом этган бу анжуманда барча вилоятлардан келган санъаткорларимизнинг энг мукаммал қўшиқлари тингланди. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, танловни кузатиб, иштирокчилар маҳорати тобора ортиб бораётганига, қўшиқлар, куйлар ва ижро услубияти янада миллийлашиб, яъни, таъбир жоиз бўлса, «профессионал» даражага кўтарилаётганига амин бўласиз.

Танлов жараёнида «Туркистон» саройи ҳамиша томошабинлар билан гавжум бўлиб, улар ҳар томонлама иштирокчиларни қўллаб-қувватлаб туришди.

Қизғин ва эҳтиросли чиқишларга бой қўшиқлар танловини тинглаб, одил ҳукм чиқариш ҳам ҳайъат аъзолари учун осон кечмади. Танлов шартларига кўра асосий эътибор Ватан мадҳияси, миллий ифтихор туйғуларига қаратилиши керак эди. Шундай ифтихор туйғуларига тўлиқ кўплаб қўшиқлар орасидан сурхондарёлик Норали Алланазаровнинг фольклор этнографик дастаси билан ижро этган «Ватанимни куйлайман» қўшиғи ҳақиқатда ўз миллийлиги, ўзига хос ижро услуби орқали катта таассурот қолдирди ва биринчи ўринга лойиқ, деб топилди. Иккинчи ва учинчи ўринларни эса республика ўқувчилар саройи хор жамоаси, Ички қўшинлар бошқармасининг «Турон юлдузлари» дастаси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Кумуш Раззоқова, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмаси Наманган бўлими хонандаси Рустам Мамадалиев, самарқандлик Эркин Қайтаров ва қорақалпоғистонлик Кенесбой Сержановлар эгаллашди.

Дарҳақиқат, қўшиқ инсон ҳаётининг ажралмас бир қисми, юрт тараққиёти, маданиятининг гўзал намунасидир. Ўзбекистон Президентининг Фармонига биноан эса якуний танловлар тугагач, 17 август куни Тошкентдаги «Халқлар дўстлиги» саройида қўшиқ байрами кенг миқёсда нишонланди. Унда кўрик-танлов ғолиблари, устоз санъаткорларимиз хизмат кўрсатишди.

Концертда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Ў.Раҳматов, Бош вазир ўринбосарлари А.Азизхўжаев, Д.Ғуломова иштирок этишди.

Малик МАНСУР,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Оллаберган Холимбетов Амударё туманидаги «Оқолтин» жамоа хўжалиги раиси. Ўзбекистон ХДП ташкилотидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига депутат этиб сайланган.

— Сайловолди дастурингиз, сайловчиларга берган ваъдаларингизнинг бажарилиши қоғозларда қолиб кетмаяптими?

— Ишбилармон-тадбиркорларга кенг йўл очилиши хўжалигимизни янада ривожлантириш имконини берди. Энг аввало овулларга саноатни келтиришга аҳамият бердик. Хўжалигимизда пахта тозалаш заводи ишлаяпти. Бу ерда 72 киши меҳнат қилишмоқда. Заводда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимизни Швейцария, Америка Қўшма Штатлари, Австрия каби давлатларга экспорт қилмоқдамиз. Яқин келажакда бу ерда 20 киши ишлайдиган ип йигириш цехи қурилиб фойдаланишга топширилади.

Депутат минбари

БАҲОНА ИЗЛАШ ЭМАС, ИШЛАШ КЕРАК

Уч жойда ўрта, икки жойда бошланғич мактабларда ўғил-қизларимиз таълим олишмоқда. Уч жойда клуб, икки жойда кутубхона пахтакорларимиз хизматида, Ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Қадриятларимиз, тарихий меросларимизнинг қайта тикланиши тарбиявий ишларимизда ўз самарасини бермоқда. Кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга яқиндан ёрдам кўрсатиб келмоқдамиз. Қўлимдан келганича ваъдамнинг устидан чиқиш учун барча имкониятлардан фойдаланяпман. Туман ҳокимияти ҳам яқиндан ёрдам кўрсатмоқда.

— Депутатлик бурч ва вазифаларингизни адо этишга нималар халақит беряпти?

— Ҳеч нарса халақит бераётгани йўқ. Фақат ишлаш керак. Баҳона излаш керакмас. Депутатнинг самарали ишлаши учун барча шарт-шароит депутатлик мақоми тўғрисидаги қонунда аниқ белгилаб берилган. Агар депутат жамиятта сен уни қиласан, мен буни қиламан деб савдолашиб ўтирса, яхшиси, у киши депутат бўлмагани яхши.

— Ўзбекистон ХДПнинг депутатлик фракцияси, маҳаллий партия ташкилоти билан алоқангиз? Улар сизга амалий ёрдам кўрсатаяптими?

— Кейинги сайловлар кўппартиялилик асосида ўтди. Парламентда ҳар бир партиянинг ўз фракцияси ишлаб турибди. Унда Ўзбекистон ХДП фракцияси энг кўп сонлидир.

Ҳар бир сессиядан олдин фракцияда йиғилишиб, сессия кун тартибига тегишли масалаларни муҳокама қилиб, ўз фикрларимизни билдиряпмиз. Туман партия кенгаши билан ҳамкорликда ишлаяпмиз. Туман партия кенгаши ташаббуси билан сайловчилар учрашувларини ташкил қиляпмиз. Корхоналарда, хўжаликларда, партия ташкилотларида маънавият-маърифат марказлари ташкил қилиб, Президентимиз Фармонлари, ҳукуматимиз қарорларини изчиллик билан амалга оширишда фаол қатнашмоқдамиз.

— Сиз яшаб, меҳнат қилаётган туманда, хўжаликда ислоҳотларнинг бориши, назарингизда, талабга жавоб бераяптими?

— Хўжалигимиз қишлоқ хўжалиги билан шуғулланади. Кейинги уч йилдан бери туманимизда пахта тайёрлаш режалари бажарилмасдан қоляпти. Ўтган йили туманда бизнинг хўжалигимиздан бошқа бирорта хўжалик пахта тайёрлаш режасини бажармади. Иқтисодий ислоҳотлар шароитида зарар билан ишлаш эса асло мумкин эмас. Бизда иқтисодий ислоҳотларнинг жуда секинлик билан бораётганлиги қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштирилишига тўсиқ бўлмоқда. Тўғри, бизнинг хўжалигимиз иқтисодий ривожланмоқда, пахтакор ва механизаторларимиз турмуши тобора яхшиланяпти. Ободонлаштиришда айрим ишлар амалга оширилди. Хонадонларни газлаштириш 95 фоизга етди. Ичимлик сув билан таъминлаяпмиз. 20 гектар боғимиз, 7 гектар токзоримиз бор...

— Сизнингча, депутатлик фаолиятингизнинг самарадорлигини ошириш учун нималар қилиш керак?

— Депутат бўлиб сайландингми, халқ хизматкорисан. Сенга бўлган талаб, масъулият янада ошади. Ҳамиша сайловчилар, аҳоли билан мулоқотда, ҳамиша уларга хизматда бўлиш керак. Сайловчиларга ваъда бердикми, бажаришимиз шарт. Бажарилиши мураккаб масала бўлса, тегишли мутасадди ташкилотлар ёрдамида ечишга ҳаракат қилишимиз лозим. Ана шундагина депутатлик фаолиятимизнинг самарадорлигига эришамиз.

«Ўзбекистон овози» мухбири
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ суҳбатлашди.

«ФОЙКОН» ХИФ: ДАСТЛАБКИ НАТИЖАЛАР

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитасида «Фойкон» хусусийлаштириш инвестиция фонди оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказди. Унда бир йил давомида амалга оширилган ишлар таҳлил қилиниб, келгусидаги режалар хусусида сўз юритилди.

«Фойкон» ХИФ 1996 йил августида биринчилар қаторида ўз фаолиятини бошлашга лицензия олган. Бугунги кунда у республикамиздаги энг йирик хусусийлаштириш инвестиция фондларидан биридир. 7 мингдан ортиқ киши унинг акциядорларидир. Сотиб олинган акцияларнинг умумий миқдори 45 миллион сўмни ташкил этади. «Фойкон» ХИФ ҳисобида (1997 йил 30 июлгача бўлган маълумот) 74 та акционерлик жамиятининг 174,4 млн. сўмлик акциялари мавжуд. «Ўздонмаҳсулот» корпорацияси, «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзқурилишматериаллари», «Ўзбекенгилсаноат» ва «Ўзёғмойтамакисаноат» уюшмалари энг йирик мижозлар ҳисобланади.

1997 йил 24 апрелда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан иккинчи «Фойкон Люкс» ХИФ рўйхатга олинди. Унинг умумий Низом жамғармаси 1080000 сўмга тенг. Жорий йилнинг 30 июлидан эса янги ХИФнинг акцияларини аҳолига сотиш бошланди.

Бинобарин, бу икки ХИФ сармояларини бошқариш ва қимматли қоғозлар пакетини шакллантириш шартномаларга мувофиқ равишда «Сармолия» бошқарув компанияси томонидан амалга оширилади.

Бироқ ХИФларнинг ҳам, маълум сабабларга кўра, муаммолари мавжуд. Мамлакатимизда иккиламчи қимматли қоғозлар бозори энди шакланиб бормоқда. ХИФларнинг асосий даромад манбаи корхоналар олаётган дивидендлар ҳисобидандир. ХИФларнинг режадаги биринчи босқич дастури акционерлик жамиятларининг йил якунларини чиқариш пайтига тўғри келиб, ХИФлар йил якунлари бўйича дивидендлар олиш учун акционерларни реестрга киритишга улгуролмаяпти. Жумладан, «Фойкон» ХИФ ҳисобида 74 та корхонадан фақат 15 та акционерлик жамияти дивиденд олиши мумкин. Бундай вазиятдан кўриниб турибдики, акцияга ўз пул маблағларини қўйган аҳоли биринчи босқичда кутилган дивидендларни ололмайди.

Шунингдек, иккиламчи бозорнинг йўқлиги ХИФлар акционерларини ХИФ акцияларини эркин сотиш ва харид қилиш имконидан маҳрум этмоқда.

Умуман анжуманда «Фойкон», «Фойкон Люкс» ХИФнинг дастлабки ютуқ ва муаммолари таҳлил этилди. Бундай анжуманларнинг ўтказиб турилиши республикамизда хусусийлаштириш жараёнини жадаллаштириш ва мулкдорлар синфини оёққа турғизишга маънавий жиҳатдан баҳоли қудрат ёрдам беради.

Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

АСРГА ТАТИГУЛИК ЙИЛЛАР

1997 йил Бухоро вилояти тарихида алоҳида аҳамият касб этди. Чунки ҳадемай Марказий Осиёда энг йирик корхона — нефтни қайта ишлайдиган завод маҳсулот бера бошласа, октябрь ойида «Тангри жамоли» деб номланган Шариф шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи жаҳон миқёсида байрам қилинади. Бундай қувончли дамлар эса асрга татийди, албатта. Қуйида биз Қоровулбозорда бунёд этилган йирик иншоот ҳақида ҳикоя қиламиз.

ЧЎЛДАН ЧЎЧИМАГАНЛАР

Бундан уч йил илгари бийдай чўл — Қоровулбозор барханлари орасида нефтни қайта ишлаш заводи қуриларкан, деган хабар ҳаммани лол қолдирганди. Ажабо, деб ўйлашди кўпчилик, Саҳрои кабирдан қолишмайдиган чўлда завод қуриб бўларми-ди? Йўқ, шунчаки гапдир...

Ҳукумат комиссияси завод қуриладиган жойни аниқлаган ва бу ерга техника ўрмалай бошлаганда бухороликлар ишондилар. Ён-атрофдан иш сўраб келувчилар кўпайди.

— Ҳали эсимда, — деб хотирлайди «Бухоронефтзаводқурилиш» ҳиссадорлик жамияти раиси Анвар Ражабов. — Пойтахтдан келганлар завод ҳудуди мана шу ердан бошланади, деб шу жойга катта ҳарсанг тош қўйишди. Ўшанда 300 гектарли корхона қурилишини тасаввур қилиб ҳам бўлмасди. Чўлнинг ўз қонунлари бор: асов, тажанг, шамол ва бўронлари увуллашидан чўчисанг, тамом — ишинг юришмайди. Биз эса чўлдан чўчимадик, мақсад аниқ, ҳаракатни дадил олдик.

Раиснинг ҳикоясини тингларканмиз, инсон ақлзаковати нимага қодирлигини пайқадик. Ўшанда ҳаммага осон бўлмаган. На маъмурий бино, на турар жой бўлмаган чўлда биринчи бўлиб чироқ ёқиш, саҳрони азалий уйқудан уйғотиш ҳар кимнинг ҳам қўлидан келавермайди-да! Ҳатто чўлга вагончаларни олиб келиш минг азоб бўлганичи? Барханлар орасидан йўл очиш, вагон-штабни жойлаштириш осон кечмади, албатта.

— Чўлда мўъжазгина бошпана (вагончалар) ҳозирлаганидан сўнг, — дейди суҳбатдошим,— аввало, боғ учун ер очишга киришдик. Текисланган ерга мевали дарахт ниҳолларини катта умид билан ўтқаздик. Ахир, завод ишга тушганга қадар уларнинг ҳосилга кириши тайин-да.

Дарҳақиқат, ўша ниҳоллар бугун ҳосилга киргани-га четдан келган кишининг ишониши қийин. Чунки, чўлда яратилган чаманзор Ибн Хаттобнинг мўъжизаларини эсга солади.

Бугун бу йирик қурилиш майдонида бўлган киши ҳайратдан ёқа ушлайди. Сабаби уч йилда мислсиз иш бажарилди-да! Корхона қурилишига пойдевор қўйилиши ҳам осон кечилмаганлигини бунёдкорлардан бўлак ҳеч ким ҳис этолмайди. Чўл ерининг остида нима борлигини шунчаки билиб бўлмасди. Қачонки ковланса, меҳнатнинг оғирлиги, ернинг бағрида нималар борлиги аён бўлади. Шундай пайтдар бўлдики, улкан қазиш техникаси ковушига йирик, баҳайбат ҳарсанг тошлар илинар, уни майдалаб олиш машаққат эди. Пойдеворнинг мустаҳкам бўлиши учун ерни ана шундай ҳарсанг ҳамда гипсдан тозалаш даркор. Шундай қилинди ҳам. Айрим жойларда пойдевор чуқурлиги беш метргача етганига нима дейсиз? Ҳаловатсиз кун ва тунлар эвазига объектлар бирин-кетин қад ростлаб бораётгани барчада мамнунлик ҳиссини уйготаётганини ифодалаш қийин эмас. Пешонасидан резареза тер оққан, чеҳраси чўл шамолидан қорайган, уст-бошида саҳронинг маллатўш қуми бўлган қурувчилар чўлдан чўчирмидилар, асло! Улар фарзандларига улкан иш жойи яратаётирлар, мустақил юртлари келажагини ўйлаб, ҳаловатларидан кечаётирлар. Бу ватанпарварлик эмасми?

Бир пайтлар саноқли кишилардан иборат бўлган бу жамоа ҳозир катта кучга айланди. Бош пудратчи ҳисобланган «Бухоронефтзаводқурилиш» ҳиссадорлик жамиятида бугун 1200 киши ишлаяпти. Жамиятнинг бир неча бошқарма, кўчма механизациялашган колонналари мавжуд. Уларнинг ғайрати билан бугун қурилиш ишлари ниҳоясига етяпти.





ҚУМЛИКЛАР ОРТИДАГИ ЖАСОРАТ

Вилоят марказидан бир неча ўн чақирим узоқликда жойлашган катта қурилиш майдонига олиб борадиган йўл ягона. Ана шу йўлда қатнов бир лаҳза ҳам тўхтамайди. Юк машиналари ойнасига «Нефтзаводиқурилиши» деган ёзув ёпиштирилгани ҳам ҳаммага аён жасоратни англатиб турибди. Икки тарафида иҳота ниҳоллари барқ уриб турган кафтдек текис йўлдан бораркансиз кўзингиз бехос йирик иншоотга тушади. Йирик сиғимлар, минора, эстакадалар, вагонлар... Кечагина кўчманчи қум барҳанлари ўрнида қад ростлаган корхона сизни лол қолдиради.

Атрофи дид билан ўралган завод ҳудуди ҳудди арининг уясига ўхшайди. Турли русумдаги техника, минг-минглаб қурувчилар ҳаракати кўзингизни толиқтиради. Бир томонда Туркиянинг «Гама» фирмаси французлар технологияси асосида иш бажаришяпти, бир тарафда эса охирги коммуникация ишлари амалга оширилянти. Вақт тиғиз, улгурилди. Заводнинг биринчи навбати фойдаланишга топширилишига саноқли дақиқалар қолди.

— Барча ишлар график асосида борди, — дейди «Ўзбекнефтгаз» миллий корпорацияси капитал қурилиш бошқармаси бошлиғи Толиб Умрзоқов мамнунлик билан. — Ҳозир корхонада сув, энергия, буғ ва газ масаласи тўлиқ ҳал этилган. 157 иншоотнинг деярли ҳаммаси тайёр.

Қурилишда ишонч ва қатъиятлик билан ишлаш туйғуси оддий қурувчидан тортиб раҳбарларгача сингиб кетган. Шу боис ҳамма ишлар маромида кетяпти, иншоотлар вақтида қуриб битказиляпти.

Корхона қурилишида саккиз ярим минг киши иштирок этди. Қурувчилар ғайрат-шижоати ила заводнинг дастлабки иншооти — газ конденсати қуйиш эстакадаси кўзда тутилган саккиз ой ўрнига 57 кунда қуриб битказилганига анча бўлди. Мана, икки йилдирки, бу ердан қарийб юз километр узунликдаги қувурлар орқали Кўкдумалоқдан олиб келинган газ конденсати цистерналарга қуйилиб, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводига ҳар куни мунтазам юборилиб турилмоқда. 330 метрли бу эстакада бир йўла 54 вагонни газ конденсатига тўлдиради.

Ўтган йиллар давомида бир неча минг кубометрли сиғимлар қурилди. Бундан ташқари 7,9 километрли эстакада бунёд этилди. Унга 500 километр турли хил кабеллар тортилди. Шуниси яхшики, кабеллар эстакадалар орқали тортилган, кўзга ташланиб туради, таъмирга муҳтожлик сезилса иш бажариш осон. Ер остида бўлса-чи, қанча харажат бўлишини ўйлаб кўринг. Шунингдек, корхона ҳудудини ёритишда ишлатиладиган 50 та прожекторли миноралар ҳам тикланди. Ёнилғи омборлари, ёнгинга қарши насос станциялари, тозалаш иншоотлари, оқар сув, ҳамма-ҳамма муаммолар ечимини топган.

Завод ичкарисини ободонлаштириш асосий ишлардан бирига айланди. Қарийб 50 гектар майдонни гулу боғзорга айлантириш чоралари кўрилгани диққатга сазовордир. Мана шу майдонга «Дўстлик» насос станциясидан оқар сув (5 километрли) корхона ичкарисига ўн икки километр қувур ёрдамида олиб келиниши келажакда ўз самарасини бериши аён. Чунки иқлими жиҳатидан иссиқ бўлган ҳудудда ниҳоллар вояга етса ҳаммага фойдали. Соя-салқин бўлганга не етсин?

МИЛЛИЙ КАДРЛАР ШУ КОРХОНАДА ИШЛАЙДИ

Корхона қурилиши поёнига етди. Завод ишга тушадиган ҳаяжонли дамлар яқин. Хўш, корхонада кимлар ишлайдилар, миллий мутахассис кадрлар тайёрми? Бу савол ҳаммани қизиқтириши табиий. Шуни кувонч билан айтиш жоизки, корхонада ишловчи бир ярим минг кишидан катта қисми махсус билим юртларида таҳсил олишди.

— Кадрларни тайёрлашга алоҳида эътибор берямиз, — дейди завод директори, техника фанлари номзоди Эгамберди Саидаҳмедов. — Уларни танлов асосида сараладик. 170 ёш йигит-қизларни Фарғонадаги нефть техникумида ўқитдик. Улар ўқиш билан бирга Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида амалиётни ўтказиб қайтдилар. Ҳозир улар ўзимизда туркиялик мутахассислар билан заводнинг технологик қисмида ишламоқдалар. Бунинг ўзига хос томонлари бор. Биринчидан, улар технологик ускуналарни ўрнатишни кўзлари билан кўриб, қўллари билан бажарадилар. Иккинчидан, келажакда улар ҳамма ишни бажаришда кўникма ҳосил қиладилар. Хорижлик мутахассислар кўмагига муҳтожлик сезиш ҳоллари камайиши ҳам уларнинг шу кунги меҳнатига боғлиқ.

Миллий кадрлар тайёрлашда хориж тажрибаси қўл келиши бугун ҳеч кимга сир эмас. Шунинг учун ҳам чет эллик ҳамкорлар кўмагидан фойдаланилмоқда. Ҳозир 33 киши Францияда таҳсил олишти. Кадрлар тайёрлашда эса узилиш бўлмайди.

Заводнинг айнан Бухорода қурилиши ҳам бежиз эмас. Чунки нефть заҳиралари бисёр бу ерда. Бунинг устига газ конденсатини Кўкдумалоқдан Фарғонага ташилишидаги харажатларга ўрин қолмайди. Корхона ишга тушса, Фарғонага хом ашё жўнатиш тўхтатилиб, у Бухорода қайта ишланади. Йилига 2,5 миллион тонна газ конденсати қайта ишланса, бу ердан жаҳон андозаларига жавоб берадиган юқори октанли бензин ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, 76, 91, 93-автоёнилғиларга мамлакатда бўлган эҳтиёж тўла қондирилади. Бу эса республикада нефть мустақиллигини таъминлаш демакдир.

НЕФТЧИЛАР ШАҲАРЧАСИ ҚАД РОСТЛАМОҚДА

Қоровулбозорда қурилиши ниҳоясига етаётган нефтчилар шаҳарчаси 6 та мавзедан иборат. 700 та коттеж, мактаб, боғча, маданият саройи, ҳакимлик маскани, клуб, савдо расталари, новвойхоналар ўрин олаётган мавзеларга боқсангиз, дилингиз ғурурга тўлади. Мустақиллик бизга нима берди, деган саволга айнан шу ердан жавоб топасиз: қадр-қиммат, ҳақиқат, эъзоз-эътибор!

— Бундан олдин ҳам катта-катта қурилишларни кўрганмиз, — дейди «Бухоросувқурилиш» трестининг бошқарувчиси Қаюм Норов. — Аммо, улар бунчалик қисқа муддатда поёнига етмаган. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини қуриш учун бор - йўғи икки йил кифоя қилди. Бу истиқлолимиз инъоми эмасми?

Дарвоқе: трест бунёдкорлари заводнинг гидро техник иншоотларидан тортиб, ишчилар шаҳарчасидаги комплекс қурилишларга ҳам дахлдор: 223 та коттеж, 200 ўринли чойхона, 3 та савдо дўкони, ёнғиндан сақлаш депоси... санасанг саноғига етолмайсан киши. Ҳаммаси бирин-кетин фойдаланишга топшириляпти. Биргина август ойида 35 та уй фойдаланиш учун топширилди.

Яна шуни таъкидлаш керакки, олтита мавзенинг бештасидаги ер ости ва усти коммуникация ишлари ҳам айнан шу трест ишчилари чекига тушган. Водопровод, газ, электр энергияси, насос станцияси, канализация, телефон алоқаси, йўлларни ободонлаштириш билан мингдан ортиқ бунёдкор банд. Ҳалим Ҳамдамов, Бахшулла Абдиев, Бозорбой Қаюмов, Абдулла Чўлиев бошлиқ кўчма механизациялашган колонналар жамоалари меҳнати, айниқса, таҳсинга лойиқдир. Улар кучи билан бир пайтлар чиқиндилар уюми бўлган жойда энди шинам турар-жойлар қад ростлади, чўлга оби-ҳаёт келди.

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Ўктам ШАРИПОВ ва Сергей ПОЛЕТАЕВ олган суратлар.

Сўз — хорижлик шерикларга

Жан КЛОД АДАМ — Франция Республикасидаги «Текнип» компаниясининг Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишидаги мутахассислар гуруҳи раҳбари

— 25 йилдан буён дунё кезаман. Фирмамизда 5 минг ходим ишлайди. Жанубий Африка, Ўрта Шарқ мамлакатларида кўпгина йирик нефть заводларини қурганмиз. Қоровулбозордаги завод Ҳамдўстлик мамлакатларида фирмамиз раҳбарлигида такомиллашган ускуна ва технологиялар билан қуроллантирилган янги корхонадир. Шу жиҳатдан бу завод Ўзбекистонда ҳаммага намуна бўла олади.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи қурилишида ҳам фан ва техника тараққиётининг сўнгги ютуқларини технологиянинг барча босқичларида қўлланишга ҳаракат қилдик. Эндиликда чўл бағрида қад кўтарган йирик корхона ҳавозаларига назар ташлаб, инсон нақадар буюк ишларга қодир эканлигига яна бир карра ишонч ҳосил қиласан киши.

Ўзбекистонда чинакам бунёдкор инсонлар яшар экан. Кейинги 16 ой мобайнида биз французлар уларнинг сабр-бардоши, ғайрат-матонатига қойил қолдик. Эндигина мустақиллик йўлида тетапоя бўлган республиканинг иқтисодий қийинчиликларини назар-писанд қилмай кечакундуз мардонавор меҳнат қилмоқдалар. Қоровулбозордаги бу корхона асрлар мобайнида ўзбек халқи фаровонлиги йўлида ҳизмат қилади, деб умид қиламан.

Метин ЕРДОГМУШ— Туркиянинг «Гама» компаниясидан Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи технологик қисми қурилишининг директори

— Қоровулбозордаги завод таржимаи ҳолим 11-корхона қурилишидир. Анқара университетини тугатганимдан кейин ўз ҳаётимни мамлакатимиздаги таниқли «Гама» фирмаси билан боғладим. Дастлаб Туркия, кейин Ироқ, Иордания, Ливия, Арабистон мамлакатларида йирик нефть заводлари ускуналарини ўрнатиб, ишга туширишда қатнашдим.

Қоровулбозордаги бу завод шу соҳадаги технологиянинг энг юксак нуқтаси десам муболаға эмас. Бу ерда ўрнатилган асбоб-ускуналар хом ашёдан ниҳоятда юқори самара билан маҳсулот олиш, шу билан бирга атроф-муҳитга зиён етказмасликка имкон беради. Ҳамкасбларим деярлик икки йилдан буён Ўзбекистон юртига муносиб корхонани турк биродарларидан хотира сифатида қолдириш нияти билан яшадилар. Мингдан зиёд мутахассисларимиз бу ерда асбоб-ускуналарни ўрнатиш, ишга созлаш билан машғул. Бу ишлар сидқидилдан бажарилганига кафолат берамиз.

Мамлакат нефть мустақиллиги йўлида

ДУНЁ ДАРЧАСИ

СИЁСИЙ ИҚЛИМ

Шу йил бошлангандан бери Саудия Арабистонида наркотик моддалар билан савдо қиладиган 81 киши қатл этилди. Арабистон Қироллиги ички ишлар вазирлигидан хабар қилишларича, сўнгги жиноятчи —Покистон фуқароси бўлмиш жиноятчи душанба куни Ар-Риёд шаҳрида боши танасидан жудо қилинди. Чунки у мамлакатга 300 грамм героин келтирган экан. Саудия Арабистонида ўтган йили ана шундай жиноят учун 68 киши ўлим жазосига ҳукм қилинганди.

* * *

Шу йилнинг апрель ойидан бери Хитойда ноқонуний равишда наркотик моддалар савдоси билан шуғулланган 55 минг киши қамоққа олинди. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан 1623 килограмм героин, 400 килограмм метамфетамин ва 20 минг «Экстази» таблеткаси тортиб олинди. Ички ишлар вазирлигининг маълумотларига кўра апрелнинг ўрталаридан бери 499 жиноятчи гуруҳ тор-мор этилди. Бундан ташқари 1196 яширин наркотик моддалар бозори портлатиб юборилди. 2888 яширин лаборатория ҳам ишдан чиқарилди.

* * *

Кутилганидек, Россия Президенти Борис Ельцин III-халқаро авиация космик салонининг очилишида иштирок этди. Бу воқеа Москва вилоятидаги Жуковский шаҳрида юз берди.

* * *

Кубада ўнлаб ҳуқуқни ҳимоя қилувчилар ва демократия учун ҳаракат аъзоларидан ўнлаб киши ҳибсга олинди.

Бундай мардона курашни Кубанинг ҳақиқий оддий фуқаролари олиб бормоқдалар, — деди бу ҳақда АҚШ давлат департаментининг расмий вакили Жеймс Рубин.

ХОРИЖ МАТБУОТИ ЁЗАДИ

НАТОнинг тинчликни сақловчи кучлари Босния серблари гуруҳлари ўртасидаги келишмовчиликларнинг олдини олиш учун жиддий аралашишларига тўғри келди, деб хабар қилади «Ассошиэйтед Пресс» агентлиги. Бу жанжал якшанба куни бошланган эди. Радован Каражич тарафдорлари полиция участкаси биносини ўраб олишди. Фақат НАТО тинчликни сақловчи кучларининг аралашуви оқибатида катта жанжалнинг олди олинди. НАТОнинг фикрича Билян Плавшич ноқонуний Президент Каражичнинг ягона муҳолифидир.

* * *

«Санди Таймс» газетасининг ёзишича 21 аср бўсағасида Британия полицияси янги анжомларга эга бўлади. Ички ишлар вазирлиги лойиҳасига кўра полициячилар умуман янги шлемлар олишади. Улар ёрдамида компьютерлар орқали ахборотлар олиб, видео тасвирларни марказий пунктга узатишлари мумкин. Ўт ўчирувчилар ҳам шундай анжомларга эга бўладилар. «Санди Таймс» маълумотига кўра лойиҳанинг нархи 1,5 миллиард фунт-стерлингни ташкил этмоқда. Лойиҳани амалга оширишда «Нокиа» ва «Моторола» фирмалари иштирок этишмоқда.

* * *

«Бизнес Уик» ҳафталиги Калифорниядаги Силикон водийсининг 40 йиллигига бағишлаб мақола эълон қилди. Журналнинг маълумотларига кўра ушбу водий Калифорниядаги Олтин эҳтирос, деб номланган таниқли водийнинг замонавий кўринишидир. Шу боис ҳам ушбу водий бойликлар кони, деб баҳоланмоқда.

* * *

Тайвань ороллари шимолий туманларига «Билли» деб номланган бўрон ҳужум қилди. «Ассошиэйтед Пресс» агентлигининг хабарига кўра 24 киши офат натижасида қурбон бўлган. Тошқинлар натижасида кўплаб вайронгарчиликлар юз берган. 68 минг уйга электр энергияси узатиш тўхтатилган. Метеорологларнинг маълумотларига кўра бундай бўрон 90 йил мобайнида юз бермаган эди.

БЕШ ИЛДИЗЛИ БИР ЧИНОР

Улуғбек номидаги Республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси қошида ташкил этилган «Умид» болалар фольклор рақс ансамбли жамоаси ўз маҳоратини ошириш, рангбаранг дастурлар яратиш устида тинмай меҳнат қилмоқда. Яқинда Туркиянинг Истанбул шаҳрида ўтказилган ёш санъаткорларнинг биринчи халқаро фестивалида «Умид» ансамбли фахрли биринчи ўринни эгаллади. Бу фестивалда Албания, Кипр Польша, Руминия, Туркия, Қозоғистон ва бошқа мамлакатлардан келган кўплаб ёш санъаткорлар ҳам иштирок этишди.

* * *

Ўзбекистон мустақиллигининг олти йиллиги арафасида катта аҳамиятга молик воқеа юз берди. Транс-Осиё-Европа оптик тола алоқа линиясининг Бухоро участкаси фойдаланишга топширилди. 178 километрлик кабел алоқа линиясининг Ўзбекистон ва Туркманистон қисмларини туташтирди. Эндиликда иккала давлатнинг ҳам жаҳон телекоммуникациялар тармоғидан фойдаланишига йўл очилди.

* * *

Алматида Марказий Осиёмамлакатлари тадбиркор аёлларининг анжумани бўлиб ўтди. Ўзбекистон тадбиркор аёллари иштирок этган ушбу учрашувда хотин-қизлар ўртасида ишбилармонликни янада ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

* * *

Яқинда АҚШнинг БМТдаги элчиси Б. Ричардсон Тожикистон пойтахтида бўлиб, Президент И. Раҳмонов билан учрашди. У ҳукумат билан муҳолифчилар ўртасида тузилган шартномага амал қилиш кераклигини таъкидлаган. Бу борада ҳарбий гуруҳларни қуролсизлантириш, мамлакатда тинчлик ва осойишталикни таъминлаш муҳим аҳамиятга эга эканлиги алоҳида қайд қилинган.

МАҚСАДГА МУВОФИҚ БЎЛАРДИ

Муносабат

Фамилия —лотинча сўздан келиб чиққан бўлиб, «оила» деган маънони бирдиради. Бинобарин, фамилия — шахснинг насл-насабини билдирувчи оилавий номдир.

Фамилиянинг дастлабки пайдо бўлиши шахсларни ўзаро фарқлаш, бирон оила ёки авлодга мансуб кишиларни таъкидлаш билан боғлиқ бўлган.

Аслида ўзбекларда, ота номига «ўғли» ёки «қизи» сўзларини қўшиб айтиш билан исм - шариф ифодаланган. Масалан, Абдулло Мирмўмин ўғли. Умринисо Миробид қизи каби.

Туркистон араблар тасарруфига ўтгач, «ўғли» ва «қизи» сўзлари ўрнига арабча «ибн» ва «бин» сўзлари қўлланилган.

Биздаги айрим исм-шарифлар шахс туғилиб ўсган, фаолият кўрсатган жойга нисбат бериб, жўғрофий - ҳудудий номлар билан ифодаланган. Масалан, Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Абу Наср Фаробий, Чустий ва ҳоказо.

Туркистонни Русия босиб олгач,ўзбекларни руслаштиришга киришилди. XIX аср охири ва XX аср бошларида, шунингдек, XX асрнинг 30-йилларида эркаклар учун русча услубдаги — ов,ович, ев — евич, аёллар учун — ова, овна — ева, евна суффикс (қўшимча)лари ёрдамида ясалган фамилиялар кенг тарқалиб, ўзбекона «ўғли», «қизи» қўшимчаларининг ёзилиши чеклаб қўйилди.

Мустақиллик туфайли ўзлигимизни ва асл насл-насабимизни қайта тиклаш имкониятига эга бўлдик.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат тили ҳақидаги Қонуни янги таҳririning 15-моддасида «Ўзбекистон Республикасида яшовчи шахслар, ўз миллатидан қатъи назар ўз исмини, ота исми ва фамилиясини миллий тарихий анъаналарга мувофиқ ёзиш ҳуқуқига эгадирлар» дейилган. «Ўзбекистон Республикаси Давлат тили ҳақида»ги Қонунга асосан исм - насабларимиз ўзбекона бўлиши лозим.

Шундай экан, қадимги миллий удумларимизга асосан, ота исмига «ўғли» ёки «қизи» қўшимчалари ёрдамида ясаладиган ва бошқа наслий номларни кўрсатувчи асл ўзбекча исм - шарифларга ўтишни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Мирортуқ МИРАБДУЛЛОҲ ўғли,
профессор,
Обидхўжа ОРТУҚХЎЖА ўғли
«Ўзгазлойиҳа» институти директори.

МАҲАЛЛА КЎРКИ

Маданият хабарлари

Сурхондарё вилояти Музработ туманидаги маданият ва истироҳат боғида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг олти йиллигига бағишланган маданий тадбирлар ўтказилмоқда. Тадбирларни туман маданият ишлари бўлими ва «Хайрия», «Маҳалла» жамғармаси ҳамкорликда олиб бормоқдалар. Ҳар куни одамлар билан гавжум бўлган бу истироҳат боғида маҳалла ва шаҳар аҳли ўзларининг ҳунармандчилик, кулолчилик, дурадгорлик, зардўзлик ишларидан намуналар кўрсатишмоқда. Бадиий ҳаваскорларнинг ранг-баранг чиқишлари эса байрамолди тадбирларига ўзгача завқ бағишламоқда.

КИТОБ КЎРГАЗМАСИ

Сурхондарё вилоятидаги Марказий илмий кутубхонада Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 6 йиллигига бағишлаб «Ўзбекистон — келажаги буюк давлат» деб номланган кенгайтирилган китоб кўргазмаси ташкил қилинди. Кўргазма марказидан Президентимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби ўрин олди. Кўргазма беш бўлимдан иборат бўлиб, Ватанимиз тимсоли, «Инсон манфаатлари йили», иқтисодий ислоҳотлар, Ўзбекистон янги тарихи, маънавий баркамоллик йўли мавзуларида нашр этилган китоблардан ташкил топган.

Фотима ИСЛОМ қизи.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 21 avgust, payshanba № 98 (22.182).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. ИКРОМОВ, навбатчи М. МИРФАЙЗИЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120
•
Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди
•
Ҳажми 2 босма табоқ
•
«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.
•
Г — 0506

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 22.00.
1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ОДОБИНИ БИЛГАНЛАР...

Оммавийлик ва маҳорат

Ҳар бир тармоққа муносиб кишилар раҳбарлик қиладиган даврлар келди. «Юқори»дан тайинланувчи амалпарастлар мансаб пиллапояси ошиқларининг замонлари ўтди. Дурди Ражабов эса истиқлол шабадасида чиниққанлардан. У Хоразм вилоят жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси. Профессионал спортчи. Буни яқинда, пойтахтда бўлиб ўтган «Умид» турнирида яна бир карра исботлади. Биз эллик ёшли чемпион билан теннис ривожи ҳақида суҳбатлашдик.

— Дурди ака, мамлакатимизда илк бор ўтказилган шундай турнирда ғолиб бўлганингиз билан кутлаймиз. Кўринадики, раҳбар теннисдан шоҳсупага кўтарилган экан, воҳада бу соҳага эътибор жиддий шекилли?

— Мамлакатимизда теннисни ривожлантиришга алоҳида эътибор қилинмоқда. Шу боис, қисқа муддатда вилоятда йигирмадан ортиқ теннис кортлари ишга туширилди. Биринчи навбатда унинг моддий базасини мустаҳкамлаб, оммавийлаштиришга эътибор қаратдик. Ўтган йили «Жанубгазқурилиш» корхонасига қарашли саккиз кортли катта теннис мажмуи иш бошлади. Бу ерда севимли спорт тури билан шуғулланиш учун жаҳон андозаларига мос шарт-шароитлар мавжуд. «Урганчтрансгаз» қошида фаолият кўрсатаётган «Ҳидоят» спорт- соғломлаштириш мажмуасидаги кортлар ҳам ҳамиша гавжум.

— Қўлга киритаётган натижалару ютуқлар ҳам чакки эмасдир?

— Ана шу икки мажмуада тайёрлов гуруҳлари очилиб, қизиқувчи ёшларни ўқитиш, ўргатиш учун малакали мураббийлар жалб қилинган. Ўрганишни хоҳловчиларнинг сони бисёр. Уларни танлов асосида саралаб олишимизга тўғри келмоқда.

Икки йилдан буён вилоят раҳбар ходимлари ўртасида «Ихлос» турнири ўтказилмоқда. Бу ҳам теннис ривожига таъсир кўрсатаётир.

— Туманларда аҳвол қандай?

— Деярли барча туманларда теннис кортлари қуриш тадориги бор. Айтайлик, очиқ теннис корти қуриб ишга туширишнинг ўнчалик кўп маблағ талаб қилмайди. Қадимги Хеванинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан шаҳардаги «Жайхун» меҳмонхонаси ёнида битта ёпиқ, еттита очиқ теннис корти фойдаланишга топширилади. Бу ерда ишлар Андижон андозаси асосида олиб бориляпти. Ваҳоланки, шўро замонида вилоятда битта ҳам теннис кортига эга бўлолмадик. Ҳозир эса теннис майдончалари ўттиздан ошади. Бу ҳаммаси истиқлолнинг шарофатидан. Умуман олганда Хоразмда спорт кейинги йилларда юқори босқичга кўтарилмоқда. Масалан, ўтган йили республика терма жамоаларида хоразмлик уч спортчи мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилган бўлса, бу йил уларнинг сони ўн етти нафарга етди.

Юртбошимиз ўтган йили вилоят сессиясида:»... Биз мамлакатимизнинг ҳар бир туманида қайсидир тур бўйича ғолиблар бўлишини хоҳлаймиз!» дегандилар. Бу сўзлар замирида улкан мақсадлар бор. Вақти келиб, бу орзу оддий ҳақиқатга айланиб бормоқда. Хоразмлик спорт усталари жаҳон ва Осиё чемпионатларида фаол иштирок этиб, мамлакат шарафини ҳимоя қилмоқдалар. Улуғбек Маҳмудов, Алишер Йўлдошев, Тоҳир Бобожонов, Санъат Одамбоев, Темур Иброҳимов, Алишер Раҳимов, Улуғбек Саломовлар номи бугун олий даражадаги мусобақаларда қайд қилиниб, тан олинмоқда.

— Теннис билан кўпдан бери шуғулланасизми?

— Ёшлигимдан стол теннисига қизиқаман. 1964 йили ўқувчилар спартакиадасида ғолиб чиққанман. 1966—67 йилларда «Пахтакор» спорт жамияти биринчилигида қаторасига икки марта биринчиликни олгандим. Икки йилдан буён эса катта теннисга ошуфтаман.

— Ҳа, энди хайрли ишнинг кечи йўқ.

— Албатта, катта теннис билан исталган ёшда ҳар ким шуғулланса, фақат соғлиқни ўйлаган бўлади. Одобини билганлар эса шундоқ қилурлар.

Суҳбатдош: Рўзимбой ҲАСАН.

АДАБИЙ ТОПИЛМА

«Шпигель» журналининг маълумот беришича, буюк антифашист ёзувчи Бертольд Брехтнинг янги ҳикояси топилган.

Ҳикоя ёзувчининг сўнгги ноширларидан бири томонидан, Германияда адиб архивлари кўздан кечирилаётганда қўлга киритилди.

У АҚШда—адибнинг муҳожирлик сафарида — эсдаликлар тариқасида ёзилади. Унда Брехтнинг доимий қаҳрамони Адольф Гитлернинг нацистлар партиясига келиши арафаси ҳақида ҳикоя қилинади. Жумладан, Гитлернинг актёрлик қобилияти ва бу соҳадаги муваффақиятлари ниҳоятда жонли тасвирланган дейилмоқда.

Бу ҳикоя ҳам адибнинг кўпгина асарлари қатори, ёзувчи ўлимидан сўнггина дунё юзини кўрди.

Абдумалик ВОБОЕВ.

ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ, ДИҚҚАТ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУДУДИДА ФАОЛИЯТ КЎРСАТАЁТГАН ҲУНАРМАНДЛАР, ХАЛҚ УСТАЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Агар сиз ишлаб чиқараётган маҳсулотларингиз 5 йилгача солиқ тўлашдан озод этилишни хоҳласангиз, хом ашё топишда, транспорт, асбоб-ускуналар билан таъминлашда қийналмасликни истасангиз, ишлаб чиқарган маҳсулотларингизни бемалол сотиш ҳуқуқига эга бўлишни хоҳласангиз «ҲУНАРМАНД» уюшмасига аъзо бўлинг.

Бу уюшма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 31 мартдаги ПФ—1741 «Халқ бадиий ҳунармандчиликлари ва амалий санъатни янада ривожлантиришни давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига асосан «МУСАВВИР» илмий-ишлаб чиқариш маркази қошида тузилди.

Уюшмага аъзо бўлишни хоҳлаганлар Тошкент шаҳар, Навоий ва Шароф Рашидов кўчасининг чорраҳасидаги Шароф Рашидов кўча 16-«А» уйга мурожаат этишларини сўраймиз. **Тел: 139-13-53.**

ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ— ЎЗБЕКИСТОН

Ўзининг «Шарқ-Шарқ» дастури бўйича шу йилнинг сентябрида бўлиб ўтадиган икки семинарда қатнашиш учун конкурс эълон қилади.

Биринчи семинар:

«Пост-коммунистик даврда Марказий Осиё мамлакатларида иқтисодий хусусийлаштириш ва халқаро молиявий институтлари ва чет эл инвестицион ташкилотларининг таъсири». Ушбу семинар Алмати шаҳрида 25—27 сентябрда бўлиб ўтади.

Иккинчи семинар:

«Қирғизистонда кичик бизнес бошқаруви ва иқтисоди». Бу тадбир Иссиққўлда 16—22 сентябрда бўлиб ўтади.

Конкурсда қатнашиш учун қуйида келтирилган аризани тўлдириш ва қилинадиган маърузангиз тезисларини бизга топширишингиз лозим. Конкурс Ўзбекистон фуқаролари учун ўтказилади. Конкурсда қатнашиш учун донор ташкилотлари, нодавлат ташкилотларининг хусусийлаштириш соҳасида иш юритаётган вакиллари, иқтисодчи сиёсатшунослар, парламент аъзолари, журналистлар, ушбу соҳада маълум тажрибаси бўлган мутахассислар таклиф қилинади.

Аризаларни Очиқ Жамият Институти — Ўзбекистон офисига топшириш лозим.

Аризалар 1997 йил 5 сентябригача қабул қилинади.

Ушбу семинар ҳақида тўлароқ ахборотни дастур координатори Шаҳло Ашрафхоновадан олишингиз мумкин.

Бизнинг манзилимиз:
Очиқ Жамият Институти — Ўзбекистон.
700100 Тошкент, Ивлева кўчаси, 41.
Тел. (Факс: (3712) 40-68-54,
54- 82-43, 55-61-60.
e-mail6 osi @ osi. silk.org

АРИЗА

1. Исми-шарифингиз
2. Иш жойингиз
3. Лавозимингиз
4. Уй манзилингиз (индекс билан)
5. Иш манзилингиз (индекс билан)
6. Иш телефонингиз
7. Уй телефонингиз
8. Факс
9. Электрон почта
10. Ушбу тадбирда қатнашишдан мақсад
11. Маъруза темаси
12. Алоҳида маъруза тезисларини беринг
13. Тадбирдан олинадиган билим, тажриба, ахборотни қандай ишлатмоқчи эканлигингизни тушунтириб беринг.

Toshkent 700100 ivlev ko''chasi, 41-uy <195> tel/faks (3712) 406854, 558243 <195> <e-mail6 osi @ osi. silk.org>

ТУРКИЯГА БЕПУЛ САФАР

«Кока-Кола» Тошкент ЛТД» компанияси совғини учун футбол бўйича ўтказилган мусобақа мухлисларда яхши таассурот қолдирди. 14—15 ёшли болалардан таркиб топган 14 жамоа тўрт гуруҳга бўлиниб Қашқадарё, Тошкент, Наманган ва Бухоро шаҳарларида саралаш ўйинларини ўтказди. Ҳал қилувчи учрашув «Пахтакор» ўйингоҳида, Тошкент ва Наманган шаҳар жамоалари ўртасида бўлди. Учрашувда майдон эгалари 2:0 ҳисобида устун келишди. Ғолиб жамоа мукофотга Туркиянинг Измир шаҳрига саёҳат қиладиган бўлди.

ЧЕМПИОНЛАРГА УМИД БОҒЛАБ

Осиё кубок эгалари кубоги учун курашган Фарғонанинг «Нефтчи жамоаси Ашгабаднинг «Копетдоғ» футболчилари билан икки учрашув ҳисобида (3:2, 0:4) имкониятни бой берди. Энди мухлислар «Навбаҳор» жамоасининг Осиё чемпионлари кубоги учун 19 сентябрь куни Тожикистон динамочилари билан бўладиган учрашувига умид боғлашмоқда.

ТАЙСОННИНГ МЕРОСХЎРИ

Эвандер Холифильдни қулоғини тишлаб шармандаларча жаҳон чемпионлигини бой берган Майк Тайсоннинг кўнгли ёришдиёв. Қувонч ва ранж ёнма-ён юради деганларидай нохуш воқеалар асосида Тайсоннинг хотини Моника Тэрнер ўғил туғиб, собиқ чемпионни қувонтирди. Ҳар қалай бола келажакда ким бўлишидан қатъи назар Тайсоннинг меросхўрида.

Спорт

Акционерное общество «УЗМЕТАЛЛТОРГ» предлагает:

	НАИМЕНОВАНИЕ ПРОДУКЦИИ	ЦЕНА ЗА 1тн В СУММАХ
1	Баллоны кислородные	9500
2	Уголок 140х140	56500
3	Уголок 160х160	53500
4	Рельсы Р-33	17931-06
5	Уголок 200х200	53500
6	Балка 30	56500
7	Накладки-подкладки	6468.90
8	Фитинги (угольники, крестовина, контрогайки, муфты, тройники)	договорная
9	Лента нихромовая	договорная
10	Заклепки стальные разных размеров	6897-00
11	Гвозди разных размеров	договорная
12	Шайба пружинная разных размеров	договорная
13	Сетка стальная просечно-вытяжная кв.м	183-00
14	Электродвигатели 4 ам-100шт	договорная
15	Канаты разные	договорная
16	Флянцы разные шт	договорная
17	Винты разные	договорная
18	Сетка рабица кв.м 25Х1.8	250-00
19	Флюс АОР-4А	206169
20	Ртуть	197378
21	Латунный порошок	110940
22	Сталинит	66893
23	Медный порошок	199692
24	Титановый прокат	436128
25	Сталь калиброванная	19083-60
26	Сталь конструкционная Ш-П	17663-16
27	Сталь инструментальная	28886-60
28	Сталь сортовая нержавеющая никелесодержащая	120042-00
29	Пер. Профиль 16 ст - 5	27327-03

Адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин, 135. АО «Узметаллторг». Телефоны: 48-47-66, 48-30-64, 48-07-05, 48-47-07, 48-50-31.

Тошкент шаҳар Мирзо Улуғбек туманидаги «Жўра Бобо» хусусий корхонаси

ТУГАТИЛАДИ

Даъво ва эътирозлар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддат давомида 60-36-58 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

«Бой ЛТД» фирмасига тегишли № 645502 дан 645525 гача бўлган чек дафтарчаси йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**